TURK ELI

International Scientific Journal



Volume 1 | Special Issue Part 1 | 2026

Manas, Kyrgyz Republic

www.turkeli.science

TURK ELI
INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL

The journal is officially registered as a mass media outlet by the Justice Department of Manas Region under the Ministry of Justice of the Kyrgyz Republic in accordance with Registration Certificate No. 10339 dated March 11, 2024. The journal is registered under the title “TURK ELI” International Scientific Journal and is authorized for publication in Kyrgyz, Turkish, Uzbek, Kazakh and English languages.

Honorary President
Sarvar Ispahi

Editor-in-Chief
Jenishbek Duysheev

Deputy Editor in-Chief
Rahmonali Hasanov

Editorial Board:

Ablat Khodjaev (Prof. Dr.)
Shakimashrip Ibraev (Prof. Dr.)
Shohistahon Uljaeva (Prof. Dr.)
Kubanychbek Kalchakeev (Prof. Dr.)
Abdimajid Madraimov (Prof. Dr.)
Shukhrat Sattorov (Prof. Dr.)
Ibrahim Kush (Dr.)
Faig Elekberli (Dr.)
Erdenebayar Nasanbat (Dr.)
Gulnara Anarbaeva (Dr.)
Nurgul Aldabek (Dr.)
Nurjamal Myrzabaeva (Dr.)
Takhirjan Kazakov (Dr.)
Elmira Hazratkulova (Dr.)
Azamat Kaliev (Dr.)
Abdulvakhidkhon Nuriddinov (Dr.)

About this Special Issue

This Special Issue presents selected papers from the International Scientific Conference
Ijtimoiy fanlar va jamiyat taraqqiyoti:
barqaror rivojlanishning strategik yo‘nalishlari

Technical Editor
Laziz Baxtiyorov

Publisher: turkeli.science
E-mail: editor@turkeli.science


TOSHKENT IQTISODIYOT VA TEXNOLOGIYALARI UNIVERSITETI
TITU
TOSHKENT – 2022
TOSHKENT IQTISODIYOT VA TEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI
IJTIMOIY FANLAR FAKULTETI
IJTIMOIY FANLAR VA JAMIYAT TARAQQIYOTI:
BARQAROR RIVOJLANISHNING
STRATEGIK YO‘NALISHLARI
GLOBAL MIQYOS
STRATEGIYA VA TARAQQIYOT
ILM-FAN VA INNOVATSIYA
JAMIYAT VA INSON KAPITALI
XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA
ILM-FAN ORQALI BARQAROR KELAJAK SARI
2026-yil 15-may

Contents

A. A. Djumanqulov *A. A. Beknazarov*	Psychological and Methodological Principles of Effective Lesson Time Management by Teachers	6
B. A. Khasanova *R. Abdullaev*	Digital Transformation in Central Asia: An Assessment Based on the Case of the Kyrgyz Republic	8
Yu. Akhmedov	The Strategic Importance of Crisis Communication in Ensuring National Stability in Polyethnic Societies	13
O. F. Egamberdiev	The Role, Determinants, and Effectiveness of Marketing Strategies in the Sustainable Development of the Transport System: Evidence from the Khorezm Region	17
R. Sh. Ibrahimova	Development History of Parasitology in Azerbaijan	20
B. O. Turaev	Ali Qushchi: The Scholar Who Introduced the Achievements of Ulugh Beg's Academy to the World	22
H. Hamidov	The History of Artists during the Reign of Amir Temur and the Timurid Period	26
S. Dj. Saidova	National Costume as a Historical and Spiritual Phenomenon	30
K. M. Yuldoshev	Innovation in Education	33
A. S. Kaliev *N. B. Bazarbaev*	Political Development and the Transformation of Civil Identity in Uzbekistan: The 690th Anniversary of Amir Temur and the Politics of	36
K. M. Yuldoshev *Z. Murodova*	Rabat-i Malik Caravanserai: A Key Waystation on the Great Silk Road	39
D. S. Saparboeva	Features of the Development of Logical Thinking in Primary School Mathematics Lessons	42
Sh. O. Sayfullaeva	Developing Reading Skills through Authentic Texts in Teaching Russian as a Foreign Language	44
N. Kh. Kholyigitova	The Role of Personal Values–Oriented Career Planning in Higher Education for Societal Development	46
M. N. Inatov	The Application of Sociological and Historical Analysis Methods in Letter Analysis	48
M. G. Nazarova	Socio-Psychological and Educational Strategic Directions for Preparing Future Engineers for Professional Activity in the Context of Societal Development	51
I. H. Jabrayilov	Common Turkish History: Research and Teaching Issues	54
O. V. Kon	Preparing the Next Generation of Social Educators in Higher Education: A Competency Model in the Context of Global Societal Challenges	56
D. A. Egamberdieva	The Semantic Characteristics of Nature Symbols in Uzbek and English Fairy Tales	60
Q. H. Inoyatov	The Scientific Legacy of Our Great Ancestors as a Source of Education and Moral Values	64
A. J. Toshboboev	The Integration of Social Sciences and the Education System for Sustainable Societal Development: An Analysis of Historical and Contemporary Approaches	66
G. B. Ernazarov	The Role of the Service Sector in the National Economy: Significance, Economic Analysis, and Strategies for Improvement	69
Ə. M. Zeynalov	Azerbaijan in French Literature	72
K. M. Gulomova	The Role of Modern Pedagogical Technologies in Enhancing Teachers' Professional Competence	76
S. Ibrohimov	Culture and Historical Heritage as Economic Resources: Innovative Management and Strategies for Sustainable Growth	79
J. O. Kucharov	Enhancing Workforce Potential in Small Business Enterprises in Uzbekistan	82

The Scientific Legacy of Our Great Ancestors as a Source of Education and Moral Values

Inoyatov Qutlughjon Hamdamovich (Doctor of Historical Sciences, Professor)[1]

[1.] National Institute of Fine Arts and Design named after Kamoliddin Behzod
Tashkent, Uzbekistan

Abstract.
The upbringing of the development of science and education, the upbringing of a new generation that meets international standards in the formation of a free civil society is a priority task of state policy. In the article, it is these parameters that are analyzed.
Keywords: cultural heritage and national spiritual values, personality, national and universal values, formation, education

Буюк аждодларимиз илмий мероси - таълим-тарбия ва қадриятлар манбаи сифатида

Иноятов Қутлуғжон Ҳамдамович (тарих фанлари доктори, профессор)[1]

[1.] Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация.
Мақолада маънавий-ахлоқий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маърифатни юксалтириш, жаҳон андозаларига жавоб берадиган, янги авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири хусусида фикр юритилади.
Калит сўзлар: маданий мерос ва миллий маънавий қадриятлар, шахс, миллий ва умуминсоний қадрият, шакллантириш, таълим

Ўзбекистон давлати бугун халқаро миқёсда янги даврни Янги Ўзбекистон номи билан ривожланиш ва тараққиёт йўлидан борар экан, ўзлигига, буюк аждодларимиз томонидан кўп асрлар давомида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо илм-фан, маънавий ва маданий меросни тиклаш ҳамда, бойитишни давлат сиёсати даражасига кўтарилгани муҳим вазифа бўлиб қелмоқда. Бу борадаги илмий-тадқиқот, назарий ва амалий ишлар, халқимиз миллий маданияти ва маърифатини янги босқичларда шаклланиб, ривожланишининг муҳим асоси – манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Шу боис, давлатимизнинг ҳақиқий тарихи ва бой маданий меросимизни, қандай бўлса шундайлигича, тўла тиклаш давлатимиз сиёсати ҳамда, Президентимиз ва олимларимиз фаолиятининг асосий йўналишларига айланди.

"Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир."[1]

Зеро, бой маданий мерос ва миллий қадриятларимизнинг энг гўзал анъаналари, халқимиз айниқса, ёшларимизнинг миллий ғурурини шаклланиб, ривожланишининг энг муҳим манбаидир.

Ҳар бир давр ва авлод ўзига хос мерос яратади. Маданий меросга қараб давр ва авлодлар ҳақида хукм чиқарилади. Маданий мерос қандай бўлса, давр ва авлодлар ҳам шундай бўлади.

Кишиларнинг дунёни, ундаги қонуниятларни ўрганишга бўлган интилишлари тушунчалар мажмуаси сифатида шаклланиб, улар фалсафий йўналишдаги бир қатор «мактаблар» вужудга келишига асос бўлиб хизмат қилган.

Юнонистонлик донишмандлар Миср, Бобил, Ҳиндистон ва Хитойда вужудга келган дунёвий билимларга асосланиб Ионя, Пифагор, Платон, Птоломей «мактаблари» каби фалсафий йўналишдаги «мактаблар»да илм-фанни ривожлантирганлар. IX-XV асрларда Марказий Осиё замини ўз бағрида бутун бир авлод, теран тафаккур эгаларини вояга етказгани боис, ушбу давр Шарқ тарихида Олтин аср ёки Шарқ уйғониш даври деб ном олган.

XI асрда буюк хизматлари билан тарихда ўз ўрнига эга бўлган олим Юсуф Хос Ҳожибдир. Унинг «Қутадғу билиг» асари бахт-саодатга элитувчи билим, таълим деган маънони англатади. Асар номидан ҳам унинг панд-насиҳат, таълим-тарбияга оид етук дидактик асар, ҳар томонлама етук инсонни тарбиялайдиган дарслик эканлигини англатади.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида комил инсон тарбияси ҳақида фикр юритар экан, маънавий камолотнинг қатор белгиларини кўрсатиб ўтади. Уларнинг энг асосийси алоҳида шахснинг ўз манфаатлари ва шахсий истаклари доирасидан чиқиб, бошқалар ғами билан яшаш, улар манфаати учун фидойи бўла билишидир, деб кўрсатади[2].

Маърифий қадрият сифатида бу асар «Ахлоқ- одоб, таълим ва тарбия ҳамда маълум маънавий камолотнинг йўл-йўриқларини, усулларини, чора-тадбирларини мужассамлаштирган қомусий дидактик руҳда ёзилган таълим-тарбия, одоб-ахлоқ ва ҳикмат дарслигидир». Шунинг учун ҳам бу асар қадрият сифатида йиллар давомида ўрганилади.

Абу Наср Форобийнинг ақлий билиш ҳақидаги таълимотида инсон жисмоний, ахлоқий, ақлий жиҳатдан мукаммал бўлмоғи зарур, ана шундагина у бахтли бўла

олади, дейди ва бахтни комиллик мезони сифатида талқин қилади. Форобий «Ақл маънолари ҳақида» рисоласида ақл муаммосини чукур таҳлил қилиб, бу ҳақида ақл, бир томондан, руҳий жараён, иккинчи томондан, ташқи таъсир, яъни таълим-тарбиянинг натижаси, дейди. Унинг фикрича, ақл фақат инсонгагина хос бўлган руҳий куч билан боғлик қобилият, инсонни ҳайвондан ажратувчи асосий омилдир. У инсонларни ўзаро ҳамкорликка, халқларни ўзаро дўстликка, тинчликка чақириб, дунёда ягона инсонлар жамиятини тузишни орзу қилади.

Форобий инсон қадр-қимматини камситувчи жамиятни қоралаб, инсон қадр-қимматини улуғловчи жамиятни орзу қилади. У ўзининг «Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола» асарида: «Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришдир, бу эса илм ва яхши аҳлок ёрдамида қўлга киритилади», - деб ёзади[3].

Абу Али Ибн Сино ахлоқий тарбияда таълим-тарбиянинг ролини алоҳида белгилайди. Шунингдек, ёш авлод тарбиясида оила ва давлатнинг, жамият тараққиёти масаласига катта эътибор беради. Ана шунда маълумотли, маданиятли кишиларнинг ўсиши рўй беради, дейди олим. Ибн Сино асарларида жисмоний ва эстетик тарбиянинг инсон камолотидаги ўрнига катта эътибор беради.

Саъдий эса инсон ҳаётида дўст билан душманнинг фарқига етиш шахсий ҳаётда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам муҳим аҳамиятга эга, дейди. Саъдийнинг «Гулистон» асарида инсон камолотида жисмоний етуклик асосий омиллардан бири сифатида талқин этилади. Масалан, ҳар қандай даврда ҳам улуғланадиган мардлик, чаққонлик, жасурлик, кучлилик ҳар бир йигит эгаллаши зарур бўлган хислатдир.

Бу ҳислатлар инсон гавдасига эмас, уни эгаллаб олиш маҳоратига боғлиқ. Ана шундай жасурлик, эпчиллик, чаққонликни кўрсатувчи ҳислатлар улуғланган ҳикоятлар «Гулистон»да талайгина.

XVI асрнинг машҳур тарихчиларидан бири Хондамир ўз замондоши Кошифий ҳақида бир неча асарларида юксак эътибор ва эҳтиром билан тилга олиб ўтиб шундай муҳим маьлумотларни беради: «Мавлоно Камолиддин Ҳусайн Воиз турли хил маъқул илмлар ва турлича нақл этилган фанлардан тамом фойда олган ва баҳраманд...».

Кошифийнинг «Футувватномаи Султоний» асари ҳам бошқа таълимий-ахлоқий асарлар каби одобнома типидаги асарлар қаторига киради ва унда жавонмардлик илмининг қоидаларини ифода этилтан.

Футувват (жавонмардлик) илми инсонни ахлоқан поклаш, меҳру - шавқат, ҳиммат ва мардлик кўрсатишни тарғиб этади. Футувват сифатлари мавжуд кишини фатий деганлар. Фатийнинг луғавий маъноси - ёшлик. Бу сўз ёш йигитга нисбатан берилган. Шу билан бирга мажозий маънода инсоний фазилатлар нуқтаи-назаридан камолот чегарасини забт этган одамга – ёшларга нисбатан қўлланилган.

Жавонмардликнинг рукнлари (устунлари) ўн иккита бўлган.

Асарда келтирилишича, футувват шарти 71 та бўлиб, унинг 48 таси вужудий, 23 таси азалий деб келтирилади.

Вужудийга энг муҳимларидан ислом, иймон, ақл, илм, мурувват, шавқат, шижоат, ғайрат, олийҳимматлик, покизалик, сирни сақлаш, устоз хизматида бўлиш, ҳалоллик, мазлумларга ёрдам, омонатга хиёнат қилмаслик, шайтоний нафсга қарши душманлик, зикр ва бошқалар киритилади[4].

Ман қилинадиган (парҳез) нарсаларга эса пирга қарши бориш, қабиҳ ишларни гапириш, бировни ортиқча мазах қилиш, гап ташиш, ортиқча кулиш, ваъдага хилоф иш қилиш, одамлар билан муомалада макр-ҳийла ишлатиш, ҳасад, зулм ўтказиш, алдаш, мол-дунё орттиришга ружу, ҳирс қутқусига учиш, одамлардан айб қидириш, ёлғон қасам ичиш, халқ молидан тамаъ қилиш, хиёнат қилиш, бўҳтон-туҳмат қилиш, ёлғон гувоҳлик бериш, шароб ичиш, сутхўрлик қилиш, ёмон маҳзабли одамлар билан суҳбатлашиш ва бошқалар.

Футувватнинг барча қоида-низомлари устоз ёрдамида синовдан ўтгач, бел боғлаш шартлари бажарилган ва ёшлар жавонмардлар жамоасига қабул қилинган.

Ҳулоса қилиб айтганда, юқорида келтирган қадриятлар бугунги кунда ёшлар ва талабалар учун ҳам миллий қадриятларимиз ва аждодларимиз анъаналарига содиқ бўлиш, шу билан бирга ҳозирги замон талаблари ва андозаларига мос келадиган илмий-амалий ва инновацион тайёргарлигини оширишга катта ҳисса қўшиши шубҳасиздир.

References

1. Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги йиғилишидаги Ўзбекистонда ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги маърузасидан, -Т:, 2017, 23 июнь Маърифат газетаси.
2. Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари. –Т.: Ўзбекистон, 1991. - 64 б.
3. У.Уватов. Буюк юрт алломалари – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. - 85 б.
4. Кошифий Ҳусайн Воиз. Аҳлоқи муҳсиний (“Яхши хулқлар”). – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010, 664 б.
5. Ҳошимов К.,Ҳасанов Р. ва бошқ. Педагогика тарихи. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.